


ҚУМҚҰРҒОНДА ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА



Айни дамда, Қумқўрғон тумани 1-сектор ҳудуди "Янгиер" маҳалласида Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов томонидан фуқаролар қабули ўтказилмоқда. Мазкур қабулда вилоят ва туман ташкилот, корхона раҳбарлари иштирок этишмоқда. Ўз муаммолари билан вилоят ҳокимига мурожаат қилган фуқароларнинг ҳар бир муаммоси эътибор билан тингланиб, ижобий ечим чоралари кўрилмоқда.

Мисол тариқасида, тумани "Саховат" маҳалласи фуқароси Юсуф Қодировнинг отаси улуг ватан уруши қатнашчиси бўлганлиги сабабли отасига уй-жой қуриб беришни сўраб мурожаат қилди.

Ушбу мурожаатга ҳам ўз жойида ечим қилиниб, масъулларга икки хонали уй қуриш вазифаси берилди.